

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.53.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

АЛЛАМБЕРГЕНОВ ТАНЖАРБАЙ ДАЎЛЕТМУРАТОВИЧ

***GHIRSUTUM L.* ТУРИГА МАНСУБ ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ F₁ ВА
F₂ ДУРАГАЙЛАРИДА «ТОЛА СИФАТИ» БЕЛГИСИНИНГ
ИРСИЙЛАНИШИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ**

03.00.09 – Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Алламбергенов Танжарбай Даўлетмуратович.

G.hirsutum L. турига мансуб ғўза навларининг F₁ ва F₂ дурагайлариди «тола сифати» белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги 3

Алламбергенов Танжарбай Даўлетмуратович

Наследование и изменчивость признака «качества волокна» в гибридах F₁ и F₂ сортов хлопчатника вида *G.hirsutum* L..... 21

Allambergenov Tanjarbay Dauletmuratovich

Inheritance and variability of the «fiber quality» signs in hybrids F₁ and F₂ of cotton varieties of the species *G.hirsutum* L. 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.53.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

АЛЛАМБЕРГЕНОВ ТАНЖАРБАЙ ДАЎЛЕТМУРАТОВИЧ

***G.HIRSUTUM* L. ТУРИГА МАНСУБ ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ F₁ ВА
F₂ ДУРАГАЙЛАРИДА «ТОЛА СИФАТИ» БЕЛГИСИНИНГ
ИРСИЙЛАНИШИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ**

03.00.09 – Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/B205 рақами билан руйхатга олинган.

Диссертация иши Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.genetika.uz) ва "Ziyouet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Курбанбаев Илхам Джуманазарович
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Ахмедов Жамолхон Ходжахонович
биология фанлари доктори, профессор
Бабоев Саидмурад Кимсанбаевич
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти хузуридаги **DSc.02/30.12.2019.B.53.01** рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «17» сентябр куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+998-71)-264-23-90, факс (+998-71)-264-23-90, e-mail: igebr_anruz@mail.ru).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (25 рақами билан руйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз. Тел.: (+998-71)-264-23-90.

Диссертация автореферати 2020 йил «09» сентябр куни тарқатилди.
(2020 йил «09» сентябр даги 29 рақамли реестр баённомаси).



А.А.Нариманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, в.х.ф.д., профессор

Б.Х.Аманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

Ш.Юнусханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё кишлок хўжалигида ғўза энг муҳим техник экинларидан бири ҳисобланиб, у асосан толаси учун етиштирилади. АҚШ кишлок хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, 2018-2019 йилларда дунё бўйича пахта ҳосили 27,3 млн тоннадан кўпроқни ташкил этган. АҚШ, Хитой, Хиндистон каби дунёдаги энг йирик мамлакатларнинг иқтисодиёти ўз ривожланишидаги ютуқларга асосан пахта толасини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳисобига эришган¹. Пахтачилик соҳасида *G.hirsutum* L. турига мансуб тезпишар, ҳосилдор, зараркунанда хашоратларга ва ташқи муҳитнинг стресс омилларига чидамликка эга бўлган ҳамда тола сифати юқори бўлган ғўза навларини яратиш бир қатор долзарб муаммолар ечимини топишда муҳим ўрин тутди.

Жаҳонда ғўзанинг маданий тетраплоид (*G.hirsutum* L.) турининг генетик хилма-хилликларидан самарали фойдаланиш орқали уларнинг ноёб белгиларини ҳамда тола сифати кўрсаткичларининг ирсийланиш, ўзгарувчанлик ва наслдан-наслга берилиши хусусиятларини ўрганиш стресс шароитларга чидамлик, толаси тўқимачилик саноати талабларига жавоб берадиган янги навларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикамызда пахтачиликни ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилиб, ғўзанинг замон талабига мос янги навларини яратишда муайян натижаларга эришилди. Жумладан, ғўзанинг экологик мослашувчан, биотик ва абиотик стресс омилларга чидамлик, тезпишар, ҳосилдор навлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бу муаммони ҳал қилиш учун ўрта толали ғўзада тола сифат кўрсаткичларининг генетикаси бўйича назарий тадқиқотлар олиб бориш лозимдир. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «касаллик ва зараркунандаларга чидамлик, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган кишлок хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш»² алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда пахтачиликнинг назарий ва амалий муаммоларини янада мукамал тадқиқ қилиш ҳамда тезпишар, ҳосилдор, тола сифат кўрсаткичлари юқори, касаллик ҳамда заракундаларга чидамлик навларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабрдаги «2019 йилда ғўза навларини жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги 1037-сонли қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли

¹ <https://www.agroinvestor.ru/agroinvestor/9937/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё олимлари томонидан ғўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб навларини реципрок чатиштириш усулида олинган F₁ ва F₂ дурагайларида тола сифати белгиларининг ирсийланиши ҳамда ўзгарувчанлигини ўрганиш бўйича баъзи тадқиқотлар олиб борилган (А.Д. Аль Харани., 1995; J.F. Wendel et al., 2010; B.T.Campbell et al., 2011).

Қатор олимлар популяцион таҳлил асосида ғўза толасининг технологик сифат белгилари – Mic-микронейр, Str-солиштирма узилиш кучи, Len-юқори ўртача узунлик, Unf-узунлик бўйича бир хиллик индекси, SFI-калта толалар индекси миқдори, Elg- узилишдаги узайишни ҳар-хил шароит ва биотип кўрсаткичларига боғлаб ўрганганлар (L.J. Clark et al., 2003; С.А.Рахмонқулов ва бошқ., 2009; С.Султонов, 2013). Хусусан, улар қимматли хўжалик ва тола сифат белгиларининг ирсийланишига генотип-муҳит ўзаро таъсири кучли эканлигини ҳамда белгиларнинг ижобий ва салбий доминантлик ҳолатида ирсийланишини аниқлаш асосида танлаш ишларини турли авлодларда олиб бориш лозимлигини таъкидлаганлар.

Олиб борилган тадқиқотлар асосан *G.hirsutum* L. турига мансуб ғўза навларини селекцион мақсадларда чатиштириш бўлиб, дурагайларда маҳсулдорлик ва унинг таркибий қисмлари, баъзи фойдали хўжалик белгиларининг ирсийланишини ва ўзгарувчанлигини аниқлаш асосида қимматли генотипларни ажратиб олишга асосий эътибор қаратилган, бу турга мансуб навларнинг дурагайларида тола сифати белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигининг генетик механизмлари тўлиқ ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-11-168 «Тола чикими юқори, ҳосилдор, эртапишар, тузга, сувсизликга, вилтга бардошлик белгилари ва толасининг физик-механик хусусиятлари параметрлари V-типга хос балансли (*G.hirsutum* L. турига кирувчи) ғўза навларини кўпайтириш» мавзусидаги амалий лойиҳа (2006-2008) ва И5-ФА-Т014 «Ўзанинг истиқболли АН-130 навини наводор уруғлик чигитини етиштириш ва кўпайтириш» (2016-2017) мавзусидаги инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғўзанинг юқори генетик потенциалга эга бўлган навларининг F₁-F₂ авлодларида тола сифати ва хўжалик белгиларини ота-она шакллариининг генотипига боғлиқ равишда ирсийланиши

хусусиятларини тадқиқ қилиш ва улар асосида тола сифати юқори бўлган хосилдор генотипларни ажратиб олиш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўрта толали ғўзанинг районлашган ва янги навларида тола сифати ва хўжалик белгиларини таҳлил қилиш ҳамда навларни реципрок дурагайлаш;

F₁ дурагайларида тола сифати ва хўжалик белгиларинининг ирсийланишини гибридологик таҳлил қилиш;

F₂ дурагайларида тола сифати ва хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлик кўламини, бу белгиларнинг наслдан-наслга берилиш хусусиятларини таҳлил қилиш;

F₂ дурагайларида тола сифати белгиларининг ўзгарувчанлик кўламини аниқлаш асосида бу белгиларнинг юқори кўрсаткичларига эга рекомбинант генотипларни аниқлаш;

F₂ дурагайларининг қимматли рекомбинантларининг F₃ авлодларида селекцион истиқболли оилаларни аниқлаш;

АН-Боёвут-2 ғўза навининг биотиби популяциясида тола сифати кўрсаткичларини яхшилаш ва барқарорлаштириш асосида яратилган янги ўрта толали АН-130 ғўза навини ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *G.hirsutum* L. турига мансуб ғўзанинг районлашган АН-Боёвут-2, С-6524, Наманган-77 ва янги Дехқонбоб, АН-130 навлари ва уларнинг F₁-F₂ реципрок дурагайларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети *G.hirsutum* L. турига мансуб ғўза навларини частиштиришдан олинган F₁-F₂ дурагайларида тола сифат ва хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги таҳлиллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ғўза генетикаси ва селекциясининг классик усуллари, *G.hirsutum* L. турига мансуб ғўза навларини реципрок усулда дурагайлаш, НVI аппаратида тола сифати кўрсаткичларини аниқлаш, гибридологик ҳамда генетик-статистик таҳлил услублари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор ўрта толали ғўза навларини частиштиришда толаси IV-типга мансуб навнинг оталик шакл сифатида қўлланилиши ва бу навнинг доминантлиги тола микронейри ва солиштирма узилиш кучининг яхши кўрсаткичларига эга F₁ комбинацияларини юзага келтириши аниқланган;

тола микронейри, юқори ўртача узунлиги, узунлик бўйича бир хиллилиги ва калта толалар индекси кўрсаткичларининг F₁ дурагайларида ўта доминантлик типиде ирсийланиши гетерозигота ҳолатидаги аллел генларнинг биргаликдаги ўзаро кучли таъсири, толанинг солиштирма узилиш кучи ва узилишдаги узайишининг турли типларда ирсийланиши эса аллелларнинг турли даражада экспрессияси натижаси эканлиги исботланган;

турли тола типига эга навларнинг F₁ дурагайларида тола сифат белгилари бўйича реципрок фарқланишларнинг мавжудлиги асосида бу белгиларнинг ирсий назоратида ядро генлари билан бир қаторда цитоплазма генлари ҳам иштирок этиши аниқланган;

ғўза навларининг F_2 дурагайларида тола микронейри ва солиштирма узилиш кучи белгилари бўйича ўзгарувчанлик кўламининг ота-она навлар толасининг типига боғлиқ эмаслиги асосида бу белгилар бўйича танловни F_2 авлодидан бошлаш қимматли рекомбинантларни ажратиб олинган;

IV-тип толали навнинг чагиштиришда ота ёки она шакл сифатида қўлланилиши толанинг юқори ўртача узунлиги белгиси бўйича F_2 дурагайларида ижобий трансгрессияга олиб келиши, тола узунлиги бўйича бир хилликнинг навлар толасининг типига боғлиқ эмаслиги аниқланган;

Наманган-77 ва АН-130 ғўза навларининг ўзаро F_3 реципрок дурагай комбинацияларидан IV тип тола берувчи О-12, О-18, О-41, О-47, О-78, О-85 оилалари ажратилган, янги IV-тип толали АН-130 ғўза нави Давлат реестрига киритилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

толеси IV-типга мансуб навнинг чагиштириш жараёнида оталик шакл сифатида қўлланилиши асосида тола микронейри ва солиштирма узилиш кучининг яхши кўрсаткичларига эга F_1 комбинациялари ажратиб олинди;

дурагайларнинг F_2 авлодида тола сифат белгиларининг ўзгарувчанлик кўламини ҳамда микронейр бўйича салбий трансгрессия, тола сифатининг бошқа белгилари бўйича ижобий трансгрессия ҳолатларини аниқлаш асосида тола сифатининг юқори кўрсаткичларига эга рекомбинант генотиплар ажратиб олинди;

Наманган-77 ва АН-130 ғўза навларининг ўзаро F_3 реципрок дурагай комбинацияларидан IV тип тола берувчи О-12, О-18, О-41, О-47, О-78, О-85 оилалари ажратилди.

АН-Боёвут-2 ғўза навининг биотипи популяциясида тола сифати кўрсаткичларини яхшилаш ва барқарорлаштириш ишларини олиб бориш натижасида яратилган янги IV-тип толали АН-130 ғўза нави Давлат реестрига киритилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган кўп йиллик дала тажрибаларнинг методик жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги ва апробация комиссиялари томонидан юқори баҳоланганлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан тасдиқланганлиги ва статистик таҳлил қилинганлиги, хулосаларнинг илмий ва амалий асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг етакчи маҳаллий илмий журналларда чоп этилгани, янги ўрта толали ғўзанинг АН-130 навининг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрта толали ғўзанинг навлараро F_1 - F_2 дурагайларида толанинг технологик сифат кўрсаткичларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигининг гибридологик таҳлил қилинганлиги, тола сифатининг ирсийланиш механизмлари очиқ берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрта толали ғўзанинг районлашган ва янги навларининг дурагайлари асосида тола сифати ва

бошқа кимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга F_1 комбинациялари, F_2 рекомбинант генотиплари, селекцион истиқболли F_3 оилалар ажратиб олинганлиги ва улар амалий селекцияда фойдаланишга тавсия этилгани, янги АН-130 гўза навини сифатли IV-тип тола берувчи нав даражасига етказилганлиги ва амалиётга қўлланилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гўзанинг генетик потенциали юқори бўлган навларини чаптириш ва толанинг технологик сифат кўрсаткичларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини гибридологик таҳлил қилиш асосида:

гўзанинг АН-130 нави Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани «Исом, Урол, Элёр» янги навларнинг дастлабки уруғ кўпайтириш хўжалигида 2013 йилда амалиётга жорий этилди (ЎзР Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 16.12.2019 йил 02/020-4248 сонли маълумотномаси). Натижада Сирдарё вилояти фермер хўжаликлари учун янги навнинг юқори сифатли уруғлик етиштириш имконини берган;

гўзанинг АН-130 нави Сирдарё вилоятининг фермер хўжаликларида 2014 йилда 11 гектарга, 2015 йилда 485,4 гектарга, 2016 йилда 494,4 гектарга, 2017 йилда 511 гектар майдонга экилди (ЎзР Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 16.12.2019 йил 02/020-4248 сонли маълумотномаси). Натижада янги АН-130 навидан назорат навларга нисбатан гектарига 4-5 центнердан кўшимча пахта хосили етиштириш имконини берган.

Наманган 77 х АН-130 навларининг комбинацияси F_3 ўсимликларидан ажратиб олинган тола сифати юқори бўлган оилалар уруғлик материаллари институтнинг «Гўза генофонди» ноёб объекти коллекциясига тақдим этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2020 йил 7 августдаги 4/1255-1609-сон маълумотномаси). Натижада ушбу ноёб оилалар гўзанинг дунёвий генофондини бойитиш ҳамда коллекцион намуналар бўйича электрон базасини тўлдириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар нашр этилган бўлиб, жумладан 1 та патент, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола республика журналларида нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўрганилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари келтирилган, объект ва

предметларига маълумот берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Вўзада тола сифат кўрсаткичлари ва қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси юзасидан республикамиз, МДХ ва хорижий давлатлар олимларининг ўзада пахта толасининг микдорий белгиларининг ҳамда пахта толасининг технологик кўрсаткичларининг ўзгарувчанлиги ва туричи дурагайларида бу белгиларнинг ирсийланишининг гибридологик таҳлиллари бўйича олинган маълумотлар шарҳи келтирилган.

Вўза генетикаси бўйича олинган натижалар, жумладан тола сифати ва бошқа қимматли-хўжалик белгиларнинг ирсийланиш характери ва уларнинг амалий селекция ишларида фойдаланиши юзасидан хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар маълумотлари чуқур таҳлилий асосда баён этилган. Кейинги йилларда ўзанинг энг муҳим қимматли-хўжалик белгиларидан бўлган тола сифати белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар қарийб олиб борилмаганлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган жой ва шароити, манбаи ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларда фойдаланилган илмий материаллари, шароитлари ва услублари баён қилинган. Илмий тадқиқот ишлари асосан 2005-2018 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтига қарашли Зангиота тажриба даласида олиб борилган. Гибридологик таҳлиллар ўтказиш учун изланишлар объекти сифатида *Ghirsutum* L. турига мансуб АН-Боёвут-2, С-6524, Наманган-77 ва янги яратилган АН-130, Деҳқонбоб ўза навлари ҳамда уларнинг F₁-F₂ дурагайларидан фойдаланилган.

Ирсийланиш табиатини тола сифат кўрсаткичлари ва қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиш даражасига кўра аниқланган. Белгиларнинг доминантлик коэффиценти даражасини (hp) S.Wright формуласи бўйича аниқланган. Ирсийланиш коэффиценти (h²) S.N. Warner формуласи асосида ҳисобланган. Амалий тадқиқотлар натижалари Б.А.Доспехов (1985) услублари асосида статистик таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Ўрта толали ўза навларининг F₁ дурагайларида тола сифат белгилари ирсийланишининг ва F₂ дурагайларида ўзгарувчанлигининг гибридологик таҳлили**» деб номланган учинчи бобида тола микронейри, солиштирма узилиш кучи, юқори ўртача узунлиги, узунлик бўйича бир хиллик индекси, калта толалар индекси, узилишдаги

узайиши, тола типи каби сифат белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги илмий таҳлил қилинган.

Тола типи бўйича АН-Боёвут-2, Наманган-77, Дехқонбоб навлари V-тип, С-6524 ва АН-130 навлари эса VI тип тола берувчи навлар эканлиги аниқланган. Тола микронейри кўрсаткичи ғўзанинг АН-Боёвут-2, С-6524, Наманган-77, Дехқонбоб ва АН-130 навларида мос равишда 4,77; 4,50; 4,76; 4,72 ва 4,32 ни ташкил этган.

Тола типи турлича, яъни V-тип толага эга АН-Боёвут-2 ғўза нави IV-тип тола берадиган С-6524 нави билан чагиштирилганда, F_1 АН-Боёвут-2 х С-6524 тўғри комбинациясида микронейр кўрсаткичи 4,45 ни ташкил қилиб, доминантлик коэффициенти $h_p = -1,46$ га, тескари комбинация F_1 С-6524 х АН-Боёвут-2 да микронейр кўрсаткичи 4,71 ни ташкил қилиб, $h_p = 0,58$ га тенг бўлди. Микронейр белгиси ушбу реципрок комбинацияларининг биринчисида салбий ўта доминантлик, иккинчисида эса микронейри юқори кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз доминантлиги ҳолатида ирсийланган. Шундай ҳолат V-тип толага эга Наманган-77 ва VI-тип толали АН-130 навларининг дурагайларида ҳам қайд этилиб, F_1 Наманган-77 х АН-130 тўғри комбинациясида микронейр кўрсаткичи 4,29 ни ва доминантлик коэффициенти $h_p = -1,14$ ни, F_1 АН-130 х Наманган-77 тескари комбинациясида эса микронейр кўрсаткичи 4,66 ни, доминантлик коэффициенти эса $h_p = -0,55$ га тенг бўлган, яъни IV-тип толали нав оталик шакл сифатида иштирок этганда дурагайлар тола микронейри бўйича яхши кўрсаткичларга эга бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

Микронейр кўрсаткичининг F_1 ва F_2 ўсимликларида ирсийланиши

№	Нав ва дурагай комбинациялар	n	limit	$M \pm m$	Σ	V%	h_p	h^2
1	АН-Боёвут-2	30	4,0-5,4	4,77±0,04	0,18	3,7		
2	F_1 АН-Боёвут-2хС-6524	40	3,3-5,5	4,45±0,10	0,45	10,1	-1,46	
3	F_2 АН-Боёвут-2хС-6524	120	3,1-5,4	4,54±0,26	1,15	25,3		0,70
4	F_1 С-6524хАН-Боёвут-2	40	3,7-5,6	4,71±0,14	0,62	13,2	0,58	
5	F_2 С-6524хАН-Боёвут-2	120	3,9-5,5	4,77±0,21	0,92	19,3		0,60
6	С-6524	30	3,9-5,1	4,50±0,07	0,30	6,6		
7	Дехқонбоб	30	4,0-5,1	4,72±0,06	0,28	6,0		
8	F_1 Наманган-77х Дехқонбоб	40	3,6-5,5	4,79±0,14	0,62	13,0	2,50	
9	F_2 Наманган-77х Дехқонбоб	120	4,4-5,4	4,76±0,17	0,77	16,2		0,54
10	F_1 ДехқонбобхНаманган-77	40	4,0-5,5	4,78±0,07	0,31	6,5	2,00	
11	F_2 ДехқонбобхНаманган-77	120	3,4-5,5	4,77±0,20	0,89	18,6		0,71
12	Наманган-77	30	4,1-5,4	4,76±0,04	0,18	3,7		
13	F_1 Наманган-77хАН-130	40	3,5-5,0	4,29±0,09	0,41	9,4	-1,14	
14	F_2 Наманган-77хАН-130	120	3,6-5,3	4,81±0,12	0,54	11,2		0,51
15	F_1 АН-130хНаманган-77	40	3,8-5,5	4,66±0,10	0,43	9,3	0,55	
16	F_2 АН-130хНаманган-77	120	3,9-5,3	4,68±0,15	0,67	14,2		0,59
17	АН-130	30	4,0-5,3	4,32±0,05	0,21	4,7		

Наманган-77 ва Дехқонбоб каби V-тип тола берувчи навлар ўзаро чагиштирилганда уларнинг реципрок F_1 дурагай комбинацияларида

микронеёр кўрсаткичлари мос равишда 4,79 ва 4,78 ни, доминантлик коэффициентлари эса $h^2=2,50$ ва $h^2=2,00$ ни ташкил қилди ва тўғри ва тескари комбинацияларнинг ҳар иккаласида ҳам микронеёр белгиси ижобий ўта доминантлик ҳолатларида ирсийланди. Таъкидлаш лозимки, дурагайларда микронеёр кўрсаткичининг юқори навнинг доминантлик ёки ижобий ўта доминантлик типларида ирсийланиши селекцион нуқтаи назардан салбий ҳолат ҳисобланади.

Умуман олганда, ўрганилган 6 та F_1 дурагайларида тола микронеёр белгиси асосан ўта доминантлик (2 та комбинацияда салбий, 2 тасида эса ижобий) ҳамда микронеёри юқори навнинг тўлиқсиз доминантлиги ҳолатларида ирсийланди.

Тола микронеёр кўрсаткичининг F_2 дурагайларида ўзгарувчанлик кўламининг тахлилий натижаларига кўра, тўғри ва тескари комбинациялар ўсимликларининг белги кўрсаткичи бўйича синфларга ажралишининг турли кўринишлари намоён бўлди. Масалан, АН-Боёвут-2 х С-6524 комбинациясида битта синфга ижобий, 4 та синфга салбий трансгрессия кузатилган бўлса, С-6524 х АН-Боёвут-2 комбинациясида эса 2 синфга ижобий трансгрессия бўлиб, салбий трансгрессия кузатилмади. Наманган-77 ва Дехқонбоб навларининг реципрок комбинациялари ҳам ижобий ва салбий трансгрессия ҳолатлари бўйича фарқландилар. Бунда Наманган-77 х Дехқонбоб комбинациясида 1 та ижобий, 1 та салбий, Дехқонбоб х Наманган-77 комбинациясида эса 2 та ижобий ва 2 та салбий трансгрессия мавжуд бўлди. АН-130 нави оталик сифатида иштирок этган F_2 Наманган-77 х АН-130 комбинациясида ижобий трансгрессия бўлмади, 2 та салбий трансгрессия кузатилди. Тескари АН-130 х Наманган-77 комбинациясида эса фақат битта ижобий трансгрессия қайд этилиб, салбий трансгрессия кузатилмади. Олинган натижалар F_2 дурагайлари авлодида яхши микронеёрга эга ўсимликларни кўп ажралиб чиқиши учун чагиштиришда IV-тип толага эга навларни оталик сифатида қўллаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Умуман олганда, F_2 комбинацияларига боғлиқ равишда толанинг микронеёр кўрсаткичи бўйича ўзгарувчанлик кўлами 8-12 синфни қамраб олди.

F_2 дурагайларида толанинг микронеёр кўрсаткичининг наслдан-наслга берилиш коэффициенти $h^2=0,51-0,71$ га тенг бўлди, бу эса дурагай шаклда белгининг, 29-49% и ташқи муҳит таъсирида ирсийланганини кўрсатади (1-жадвал).

F_1 - F_2 ўсимликларида солиштирма узилиш кучи белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги. Ғўзанинг АН-Боёвут-2, С-6524, Наманган-77, Дехқонбоб ва АН-130 навларида солиштирма узилиш кучи белгиси мос равишда ўргача 29,8; 32,1; 27,3; 27,4 ва 32,9 гс/текс га тенг бўлди.

F_1 ўсимликларида бу белгининг ирсийланиши турлича кечди. Солиштирма узилиш кучи белгиси бўйича олинган натижаларда АН-Боёвут-2

ва С-6524 навларининг реципрок F₁ комбинацияларида ижобий (hr=1,52) ва салбий (hr=-3,17) ўта устунлик кузатилди.

Наманган-77 ва Дехқонбоб навларининг реципрок комбинацияларида солиштирма узилиш кучи белгиси 27,4 ва 27,5 гс/текс, доминантлик коэффициентлари hr=1,00 ва hr=3,00 га тенг бўлди. F₁ Наманган-77 х Дехқонбоб комбинациясида тўлиқ доминантлик, тескари комбинацияда ижобий ўта доминантлик қайд этилди.

Наманган-77 ва АН-130 навларининг F₁ реципрок дурагай комбинацияларида солиштирма узилиш кучи белгиси 33,8 ва 28,0 гс/текс ни ташкил қилди, доминантлик коэффициентлари hr=1,32 ва hr=-0,75 га эга бўлди. F₁ Наманган-77 х АН-130 комбинацияси ота-она шакллардан устун бўлиб, ўта ижобий доминантлик, тескари комбинацияда эса, қисман салбий доминантлик кузатилди.

F₂ реципрок комбинацияларида солиштирма узилиш кучи белгисининг наслдан-наслга берилиш коэффициенти h²=0,48-0,75 га тенг бўлди, бу эса таҳлил қилинаётган белгининг 48,0-75,0 % дурагай шаклнинг генотиби, 25,0-52,0% и ташқи муҳит таъсирида ирсийланганини кўрсатади (2-жадвал).

2-жадвал

Солиштирма узилиш кучи белгисининг F₁ ва F₂ дурагайларида ирсийланиши



№	Нав ва дурагай комбинациялар	n	limit	M±m гс/текс.	σ	V%	hr	h ²
1	АН-Боёвут-2	30	27,9-31,7	29,8±0,24	1,05	3,5		
2	С-6524	30	27,6-34,4	32,1±0,26	1,17	3,6		
3	Наманган-77	30	25,1-31,0	27,3±0,33	1,48	5,4		
4	Дехқонбоб	30	25,2-29,5	27,4±0,24	1,08	3,9		
5	АН-130	30	27,9-32,3	32,9±0,19	0,87	2,6		
6	F ₁ АН-Боёвут-2хС-6524	40	20,1-34,4	32,7±0,39	1,76	5,4	1,52	
7	F ₂ АН-Боёвут-2хС-6524	120	23,7-33,6	28,6±1,17	5,23	18,3		0,75
8	F ₁ С-6524хАН-Боёвут-2	40	23,1-30,6	27,3±0,45	2,0	7,4	-3,17	
9	F ₂ С-6524хАН-Боёвут-2	120	27,1-40,0	33,9±1,06	4,75	14,0		0,70
10	F ₁ Наман-77х Дехқонбоб	40	20,0-31,4	27,4±0,65	2,89	10,6	1,00	
11	F ₂ Наман-77х Дехқонбоб	120	21,1-31,3	27,1±1,21	5,41	19,9		0,66
12	F ₁ ДехқонбобхНаман-77	40	17,1-32,1	27,5±0,55	2,44	8,9	3,00	
13	F ₂ ДехқонбобхНаман-77	120	23,7-33,6	28,7±1,00	4,45	15,5		0,63
14	F ₁ Наманган-77хАН-130	40	27,0-39,6	33,8±0,59	2,65	7,8	1,32	
15	F ₂ Наманган-77хАН-130	120	24,2-31,7	28,1±0,71	3,20	11,4		0,48
16	F ₁ АН-130хНаманган-77	40	17,8-33,8	28,0±0,73	3,25	11,1	-0,75	
17	F ₂ АН-130хНаманган-77	120	25,3-33,1	30,0±0,96	4,30	14,3		0,57

F₂ комбинацияларида солиштирма узилиш кучи белгиси бўйича ўзгарувчанлик кўлами 8-12 синфни қамраб олди. АН-Боёвут-2 ва С-6524 навлари ва Наманган-77 ва Дехқонбоб навлари реципрок комбинацияларида ҳамда АН-130 ва Наманган-77 комбинациясида ўнг томонли трансгрессия юзага келди. Солиштирма узилиш кучи белгиси бўйича С-6524 х АН-Боёвут-2 дурагай комбинацияси энг юкори кўрсаткич (33,9 гс/текс)га эга бўлди ва кенг кўламдаги трансгрессив ўзгарувчанлик шаклланди.

F₁-F₂ ўсимликларида юқори ўртача узунлик белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги. Юқори ўртача узунлик белгиси кўрсаткичлари АН-Боёвут-2, С-6524, Наманган-77, Деҳқонбоб ва АН-130 навларида мос равишда ўртача 1,09; 1,11; 1,07; 1,08 ва 1,12 дюймни ташкил қилди.

F₁ ўсимликларида юқори ўртача узунлик белгисининг ирсийланиши турлича кечди. Юқори ўртача узунлик белгиси кўрсаткичлари АН-Боёвут-2 ва С-6524 навларининг реципрок F₁ дурагай комбинацияларида 1,08-1,11 дюймни ташкил этди ва ўта салбий (h_p=-2,00) ҳамда тўлиқ (h_p=1,00) доминантлик ҳолатида ирсийланди.

Наманган-77 ва Деҳқонбоб навларининг реципрок F₁ дурагай комбинацияларида юқори ўртача узунлик кўрсаткичи 1,11-1,12 дюймни ташкил қилди, доминантлик коэффициентлари h_p=9,00 ва h_p=5,00 га тенг бўлди. Иккала комбинацияда ҳам ота-она шаклдан устунлик, яъни ўта ижобий доминантлик ва гетерозис ҳолати кузатилди.



1-расм. Ота-она шакллар (А) ва F₂ дурагайларида (Б) юқори ўртача узунлик белгисининг ўзгарувчанлик кўлами

Наманган-77 ва АН-130 навларининг F₁ реципрок дурагай комбинацияларида юқори ўртача узунлик белгиси кўрсаткичлари 1,08 ва 1,11

дюйм ни ташкил қилди, доминантлик коэффиценти $h_p=0,60$ ва $h_p=-0,60$ га тенг бўлди. F_1 Наманган-77 х АН-130 дурагай комбинациясида қисман салбий, тескари комбинацияда эса қисман ижобий доминантлик юзага келди.

F_1 реципрок комбинацияларида юқори ўртача узунлик белгиси асосан ижобий ўта доминантлик, оралик ва айрим ҳолларда салбий ўта доминантлик ҳамда қисман салбий доминантлик ҳолатларда ирсийланди.

F_2 реципрок комбинацияларида юқори ўртача узунлик белгисининг наслдан-наслга берилиш коэффиценти (h^2) 0,45 дан то 0,71 га тенг бўлди, бу эса таҳлил қилинаётган белгининг 45,0-71,0 % и дурагай шаклнинг генотипи, 29,0-55,0% и эса ташки муҳит таъсирида ирсийланишини кўрсатади.

F_2 авлод комбинацияларида ўрганилаётган белги бўйича ўзгарувчанлик кўлами 7-13 синфни қамраб олди. АН-130 х Наманган-77 комбинациясида ўнг томонли трансгрессия ва бошқа комбинацияларда чап томонли трансгрессия ҳолати юзага келди. Натижада, АН-130 х Наманган-77 дурагай комбинациясидан толаси IV тип хос рекомбинантлар ажралиб чиқди (1-расм).

Шундай қилиб, толанинг энг муҳим белгиларидан бири бўлган юқори ўртача узунлик белгиси дурагайлашда иштирок этган ота-она шаклларнинг генотипига боғлиқ равишда ирсийланиши аниқланди. F_2 ўсимликлари орасидан ажратиб олинган юқори ўртача узунлик белгиси юқори (1,11-1,18 дюйм) бўлган трансгрессив шакллар толаси IV тип хос ғўза тизмалари ва навлари яратилишида бошланғиш манба сифатида хизмат қилади.

F_1 - F_2 ўсимликларида узунлик бўйича бир хиллик индекси белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги. Бу белги кўрсаткичлари АН-Боёвут-2, С-6524, Наманган-77, Дехқонбоб ва АН-130 навларида мос равишда ўртача 84,4%; 84,1%; 83,3%; 83,8% ва 84,6% ни ташкил қилди.

Узунлик бўйича бир хиллик индекси белгиси бўйича F_1 реципрок дурагай комбинацияларида ирсийланиш турлича намоён бўлди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, АН-Боёвут-2 ва С-6524 реципрок F_1 дурагай комбинацияларида ўта салбий ($h_p=-2,33$) ва ўта ижобий ($h_p=2,33$) доминантлик кузатилди.

Наманган-77 ва Дехқонбоб навларининг реципрок F_1 комбинацияларида узунлик бўйича бир хиллик индекси белгиси кўрсаткичлари 84,3 ва 83,9% ни ташкил этди, доминантлик коэффиценти $h_p=3,00$ ва $h_p=1,40$ га тенг бўлди ҳамда белги ўта доминантлик ҳолатларида ирсийланди.

Наманган-77 ва АН-130 навларининг реципрок F_1 дурагай комбинацияларида узунлик бўйича бир хиллик индекси белгиси кўрсаткичлари 83,9 ва 84,6% ни ташкил қилди, доминантлик коэффиценти $h_p=-0,08$ ва $h_p=1,00$ га тенг бўлди. F_1 Наманган-77 х АН-130 дурагай комбинациясида қисман салбий, тескари комбинацияда эса тўлиқ доминантлик кузатилди.

Реципрок дурагайлаш асосида олинган F_1 ўсимликларида узунлик бўйича бир хиллик индекси белгиси қисман салбий, ўта ижобий ва ўта салбий доминантлик ҳолатларида ирсийланди.

F₁ ва F₂ ўсимликларида узунлик бўйича бир хиллик индекси белгисининг ирсийланиши

№	Нав ва дурагай комбинациялар	n	limit	M±m, %	σ	V%	hp	h ²
1	АН-Боёвут-2	30	83,1-85,6	84,4±0,13	0,58	0,7		
2	С-6524	30	82,7-85,6	84,1±0,20	0,87	1,0		
3	Наманган-77	30	78,7-84,9	83,3±0,26	1,15	1,4		
4	Дехқонбоб	30	81,9-85,7	83,8±0,17	0,75	0,9		
5	АН-130	30	82,6-86,3	84,6±0,16	0,72	0,9		
6	F ₁ АН-Боёвут-2хС-6524	40	81,9-85,8	83,9±0,27	1,21	1,4	-2,33	
7	F ₂ АН-Боёвут-2хС-6524	120	80,9-85,2	83,5±0,40	1,79	2,1		0,50
8	F ₁ С-6524хАН-Боёвут-2	40	83,0-86,7	84,6±0,23	1,01	1,2	2,33	
9	F ₂ С-6524хАН-Боёвут-2	120	78,9-85,7	83,8±0,58	2,59	3,1		0,68
10	F ₁ Наманган-77хДехқонбоб	40	80,7-86,6	84,3±0,28	1,25	1,5	3,00	
11	F ₂ Наманган-77хДехқонбоб	120	81,3-85,7	83,7±0,54	2,40	2,9		0,56
12	F ₁ ДехқонбобхНаманган-77	40	81,9-85,8	83,9±0,24	1,08	1,3	1,40	
13	F ₂ ДехқонбобхНаманган-77	120	81,9-86,1	84,0±0,43	1,91	2,3		0,48
14	F ₁ Наманган-77хАН-130	40	81,0-86,0	83,9±0,30	1,32	1,6	-0,08	
15	F ₂ Наманган-77хАН-130	120	81,4-86,0	83,8±0,50	2,24	2,7		0,53
16	F ₁ АН-130хНаманган-77	40	82,5-86,3	84,6±0,23	1,03	1,2	1,00	
17	F ₂ АН-130хНаманган-77	120	83,0-85,7	84,4±0,34	1,51	1,8		0,36



F₂ реципрок комбинацияларида узунлик бўйича бир хиллик индекси белгисининг наслдан-наслга берилиш коэффициенти h²=0,36-0,68 га тенг бўлди, бу эса таҳлил қилинаётган белгининг 36,0-68,0 % и дурагай шаклнинг генотиби, 32,0-64,0% и эса ташқи муҳит таъсирида ирсийланганини кўрсатади (3-жадвал).

F₁-F₂ ўсимликларида калта толалар индекси белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги. Калта толалар индекси белгиси кўрсаткичлари АН-Боёвут-2, С-6524, Наманган-77, Дехқонбоб ва АН-130 ғўза навларида мос равишда ўртача 4,35%; 4,71%; 6,19%; 5,78% ва 4,99% ни ташкил қилди.

АН-Боёвут-2 ва С-6524 навларининг реципрок F₁ комбинацияларида калта толалар индекси белгиси қисман салбий ва ижобий гетерозисли ўта доминантлик (hp=-0,28 ва hp=8,28) ҳолатларида ирсийланди.

Калта толалар индекси белгиси кўрсаткичлари Наманган-77 ва Дехқонбоб навларининг реципрок F₁ комбинациялари ўсимликларида салбий ўта доминантлик (hp=-4,22 ва hp=-2,85) ҳолатларида ирсийланди. F₁ Наманган-77 х АН-130 комбинациясида доминантлик коэффициенти hp=-0,73 бўлиб, қисман салбий доминантлик ҳолатига эга бўлди. Тескари комбинацияда доминантлик коэффициенти hp=0,83 ни ташкил қилиб, белги қисман ижобий доминантлик ҳолатида ирсийланди.

F₂ реципрок комбинацияларида калта толалар индекси белгисининг наслдан-наслга берилиш коэффициенти h²=0,31-0,75 га тенг бўлди, бу эса таҳлил қилинаётган белгининг 31,0-75,0 % и дурагай шаклнинг генотиби, 25,0-69,0% и ташқи муҳит таъсирида ирсийланганини кўрсатади.



2-расм. Ота-она шакллар (А) ва F_2 дурагайларида (Б) калта толалар индекси белгисининг ўзгарувчанлик кўлами


F_2 ўсимликларида калта толалар индекси белгисининг ўзгарувчанлик кўлами 7-13 синфни камраб олди. АН-Боёвут-2 x С-6524 комбинацияларида ўнг томонли трансгрессия ҳолати кузатилди. Таҳлил қилинган ўсимликларнинг энг кўп фоизи (27,5%) Деҳқонбоб x Наманган-77 ва Наманган-77 x АН-130 дурагай комбинацияларида қайд этиб, мос равишда 5,1-5,5 ва 5,6-6,0% кўрсаткичли модал синфларга тўғри келди. Бундан ташқари, F_2 авлодида кенг кўламдаги трансгрессив ўзгарувчанлик кузатилди (2-расм).

F_1 - F_2 ўсимликларида узилишдаги узайиши белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги. Узилишдаги узайиши белгиси кўрсаткичлари АН-Боёвут-2, С-6524, Наманган-77, Деҳқонбоб ва АН-130 ғўза навларида мос равишда ўртача 8,2%; 8,4%; 7,9%; 10,0% ва 10,0% ни ташкил қилди.

АН-Боёвут-2 ва С-6524 навларининг реципрок F_1 комбинацияларида узилишдаги узайиши белгиси ижобий ўта доминантлик ва қисман салбий доминантлик ($h_r=3,00$ ва $h_r=-0,21$) ҳолатларида ирсийланди.

Узилишдаги узайиши белгиси кўрсаткичлари Наманган-77 ва Деҳқонбоб навларининг реципрок F_1 комбинациялари ўсимликларида қисман салбий доминантлик ($h_r=-0,62$ ва $h_r=-0,62$) ҳолатларида ирсийланди. F_1

Наманган-77 х АН-130 реципрок комбинацияларида доминантлик коэффициенти $h^p=0,62-0,52$ га тенг бўлиб, қисман ижобий доминантлик ҳолатида ирсийланди.



3-расм. Ота-она шакллар (А) ва F_2 дурагайларида (Б) толанинг узилишдаги узайиши белгисининг ўзгарувчанлик кўлами

F_2 реципрок комбинацияларида узилишдаги узайиши белгисининг наслдан-наслга берилиш коэффициенти $h^2=0,33-0,72$ га тенг бўлди, бу эса таҳлил қилинаётган белгининг 33,0-72,0 % и дурагай шаклнинг генотиби, 28,0-67,0% и ташқи муҳит таъсирида ирсийланганини кўрсатади.

F_2 ўсимликларида узилишдаги узайиши белгисининг ўзгарувчанлик кўлами 7-9 синфни камраб олди. Наманган-77 х АН-130 дурагай комбинациясида ўнг томонли трансгрессия ҳолати кузатилиб, ўсимликларнинг энг кўп фоизи (37,5%) 9,1-9,5 кўрсаткичли модал синфларга тўғри келди (3-расм).

F_3 авлод ўсимликларида тола сифати белгиларининг шаклланиши. F_3 ўсимликлари комбинацияларида микронейр кўрсаткичи ўртача 4,4-4,7 ташкил этди. АН-130 х Наманган-77 комбинациясида микронейр кўрсаткичи ўртача $4,4 \pm 0,05$ ни ташкил қилди ва тола сифати юқори бўлган рекомбинантлар ажратиб олинди. Микронейр кўрсаткичининг ота-она шакллардаги ўзгарувчанлик коэффициенти 4,62-7,48%, F_3 ўсимликларда эса

6,62-8,82% бўлганлигини аниқланди. Бу эса, микронейр кўрсаткичининг ўзгарувчанлик коэффициенти ота-она шаклларда ва F₃ ўсимликларида паст даражада бўлганлигидан далолат беради.

Солиштирма узилиш кучи белгиси кўрсаткичлари F₃ ўсимликлари комбинацияларида 30,3-33,7 гк/текс ни ташкил этди ва энг юқори кўрсаткич С-6524 ва АН-130 навлари она сифатида иштирок этган комбинацияларда кузатилиб, рекомбинантлар ажратиб олинди. Ўзгарувчанлик коэффициенти ота-она шаклларда 2,14-4,49 % оралиғида ва F₃ ўсимликларда 5,78-13,31 % оралиғида бўлганлигини аниқланди. Ўрганилган солиштирма узилиш кучи белгисининг ўзгарувчанлик коэффициенти ота-она шаклларда ва F₃ комбинацияларида кам даражада, С-6524 х АН-Боёвут-2 комбинациясида ўрта даражада (13,31 %) бўлганлиги аниқланди.

F₃ ўсимликлари комбинацияларида юқори ўртача узунлик белгиси кўрсаткичи АН-Боёвут-2 ва С-6524 реципрок комбинацияларида ўртача 1,10 дюйм ни ташкил этиб, V типга мансуб рекомбинантлар ажратилиб чиққанлиги аниқланди. Реципрок дурагай комбинацияларда энг юқори кўрсаткич Наманган-77, Деҳқонбоб ва АН-130 навлари она сифатида иштирок этган комбинацияларда кузатилди ҳамда IV типга мансуб рекомбинантлар ажратиб олинди.

G.hirsutum L. турига мансуб Наманган-77 х АН-130 дурагай комбинациясининг F₃ авлодларидан микронейр кўрсаткичи 4,3-4,4, солиштирма узилиш кучи 33,7-34,2 гс/текс, юқори ва ўртача узунлиги 1,13-1,17 дюйм ва IV тип толага эга О-12, О-18, О-41, О-47, О-78 ва О-85 оилалари ажратиб олинди.

Диссертациянинг «***G.hirsutum* L. турига мансуб ғўза навларининг F₁-F₂ ўсимликларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги**» деб номланган тўртинчи бобида ота-она шакллари ва F₁-F₂ дурагай шаклларда бир кўсакдаги пахта вазни, тола чикими ва узунлиги белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги ҳамда ғўзанинг истиқболли АН-130 навининг хўжалик ва толасининг технологик кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Институтининг Зангиота тажриба базасидаги рақобат нав синаш участкасида синаб кўрилганда, назоратдаги Наманган-77 навига нисбатан АН-130 нави сентябр ойидаги ҳосили бўйича 7,1 ц/га, умумий пахта ҳосили бўйича 6,8 ц/га, тола чикими бўйича 0,3%, бир кўсакдаги пахта вазни бўйича 0,6 г ва толанинг штапел узунлиги бўйича 2,3 мм га юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

Таҳлил натижаларига кўра, АН-130 навининг микронейр кўрсаткичи 4,4±0,03 ни, тола узунлиги 33,9±0,17мм ни ташкил этган ҳолда, бошқа навлардан юқори эканлиги кузатилди.

Ўзанинг истиқболли АН-130 нави АН-Боёвут-2 (андоза) нави билан таққослаб ўрганилганда бу нав битта кўсак вазни бўйича 0,7-1,2 г., ҳосилдорлик бўйича 7,2-8,8 ц, тола чикими бўйича 3,7-5,3%, тола узунлиги бўйича 0,5-1,4 мм ҳамда 1000 дона чигит вазни бўйича 3,4-8,3 г. га юқори бўлди.

Шундай қилиб, АН-130 нави тола сифат белгилари бўйича андоза АН-Боёвут-2 навидан устун бўлди. Ушбу нав микронейр кўрсаткичи бўйича андоза навга нисбатан ижобий натижа кўрсатгани унинг толаси жаҳон бозори талабларига тўлиқ жавоб беришини кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

“*G.hirsutum* L. турига мансуб ғўза навларининг F_1 ва F_2 дурагайларида “тола сифати” белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги” мавзуси бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Ўрта толали ғўза навларининг F_1 дурагайларида толанинг сифат белгилари - микронейр, толанинг юқори ўртача узунлиги, толанинг узунлик бўйича бир хиллилиги, калта толалар индекси асосан ижобий ўта доминантлик, толанинг солиштирма узилиш кучи ва узилишдаги узайиши белгилари эса доминантликнинг турли ҳолатларида ирсийланишлари аниқланди.

2. IV - V тип толали ғўза навларининг F_1 дурагайлари тола микронейри ва солиштирма узилиш кучи белгилари бўйича яхши кўрсаткичларини намоён этишларида IV -тип тола берадиган навнинг оталик шакли сифатида қўлланилиши муҳимлиги, V -тип ғўза навларининг ўзаро F_1 дурагайларида бу белгиларнинг асосан ижобий ўта доминантлик ҳолатида ирсийланиши, F_2 дурагайларида тола микронейри ва солиштирма узилиш кучининг ўзгарувчанлик кўлами ота-она ғўза навларининг тола типига боғлиқ эмаслиги аниқланди.

3. Ўрганилган ғўза навлари ва уларнинг F_1 дурагайлари толанинг юқори ўртача узунлиги белгиси бўйича статистик фарқланмасликлари, F_2 дурагайларида бу белги бўйича чап томонлама салбий трансгрессия кузатилмагани ҳолда, баъзи комбинацияларда (Наманган-77 ва Деҳқонбоб навларининг реципрок дурагайлари, С-6524 х АН-Баяут-2 комбинацияси) ўнг томонлама ижобий трансгрессив ўзгарувчанлик юзага келиб, толаси III-типга мансуб ўсимликлар ажралиб чиққани аниқланди.

4. Тола узунлигининг бир хиллиги бўйича ғўза навлари статистик ишончли фарқланишлари, юқори кўрсаткичлар АН-130, АН-Боёвут-2 ва С-6524 навларида эканлиги, F_2 авлодида чап ва ўнг томонлама трансгрессия натижасида тола узунлигининг бир хиллигининг паст ва юқори бўлган ўсимликлар пайдо бўлиши аниқланди.

5. Ўрганилган ғўза навлари калта толалар индекси бўйича фарқ қилишлари, F_2 дурагайларида белгининг ўзгарувчанлик кўлами ота-она навларниқига нисбатан кенг эканлиги ва асосан ўнг томонлама трансгрессия (АН-130 х Наманган-77 комбинациясидан ташқари) юзага келгани аниқланди.

6. Илк бор толаси IV ва V типга мансуб ғўза навларининг F_1 дурагайларида реципрок фарқланишнинг мавжудлиги асосида тола сифат белгиларининг генетик назоратида ядровий генлар билан бир қаторда

цитоплазматик генлар, толаси V типга мансуб навларнинг F₁ дурагайларида эса ядровий генлар иштирок этиши исботланди.

7. *G. hirsutum* L. турига мансуб Наманган-77 ва АН-130 навларининг реципрок F₃ дурагайларидан микронейр кўрсаткичи 4,3-4,4, солиштирама узилиш кучи 33,7-34,2 гс/текс, юқори ва ўртача узунлиги 1,13-1,17 дюйм ва IV тип толага эга О-12, О-18, О-41, О-47, О-78 ва О-85 оилалари ажратиб олинди.

8. АН-130 нави тола сифат белгилари бўйича андоза АН-Боёвут-2 навидан устун бўлиб, янги навда тола узунлиги 33,9±0,17мм, микронейр кўрсаткичи 4,4±0,03 ни, солиштирама узилиш кучи 32,8±0,12 гс/текс, юқори ўртача узунлиги 1,14±0,05 дюйм ва толаси IV тип хослиги аниқланди. Истикболли АН-130 ғўза нави толасининг барча технологик белгилари бўйича жаҳон бозори талабларига тўлиқ жавоб беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.02/30.12.2019.B.53.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ**

**ИНСТИТУТ ГЕНЕТИКИ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ
БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ**

АЛЛАМБЕРГЕНОВ ТАНЖАРБАЙ ДАУЛЕТМУРАТОВИЧ

**НАСЛЕДОВАНИЕ И ИЗМЕНЧИВОСТЬ ПРИЗНАКА КАЧЕСТВА
ВОЛОКНА В ГИБРИДАХ F₁ И F₂ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА ВИДА
*G.HIRSUTUM L.***

03.00.09 – Общая генетика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.2.PhD/B205

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Институте генетики и экспериментальной биологии растений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.genetika.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель

Курбанбаев Илхам Джуманазарович
доктор биологических наук

Официальные оппоненты

Ахмедов Жамолхон Ходжихонович
доктор биологических наук, профессор

Бабоев Саидмурат Кимсанбаевич
доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация


Ташкентский государственный аграрный университет


Защита диссертации состоится «17» сентября 2020 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.53.01 при Институте генетики и экспериментальной биологии растений (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, пос. Юкори-юз. Зал заседаний Института генетики и экспериментальной биологии растений Тел. (+998-71)-264-23-90, факс (+998-71)-264-23-90, e-mail: igebr_anruz@mail.ru).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрирован за номером 256) (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, пос. Юкори-юз. тел.: (+998-71)-264-23-90).

Автореферат диссертации разослан «09» сентября 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 29 от «09» сентября 2020 года)




А.А. Нариманов
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.с/х.н., профессор


Б.Х. Аманов
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., старший научный сотрудник


Ш. Юнусханов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом сельском хозяйстве хлопчатник является одной из важнейших технических культур и его выращивают в основном ради волокна. По данным Минсельхоза США, в 2018-2019 гг. урожай хлопка-сырца в мире составил более 27,3 млн т. Экономика самых крупных стран мира, как США, Китай, Индия достигла успехов в своем развитии в основном за счет производства и переработки хлопкового волокна³. В отрасли хлопководства создание скороспелых, высокоурожайных, устойчивых к вредителям насекомым и стрессовым факторам внешней среды, а также высоким качествам волокна сортов хлопчатника вида *G. hirsutum* L., важное место занимает при решении ряда актуальных проблем.

В мире посредством эффективного использования генетического разнообразия культивируемого тетраплоидного вида хлопчатника *G. hirsutum* L., изучение особенностей наследования, изменчивости и наследуемости их уникальных признаков и показателей качества волокна служит основой для создания устойчивых к стресс условиям новых сортов, волокно которых отвечает требованиям текстильной промышленности.

В нашей республике проводятся масштабные реформы по развитию хлопководства и достигнуты определенные успехи в создании новых сортов хлопчатника, отвечающих современным требованиям. В частности, созданы и внедрены в производство экологически пластичные устойчивые к биотическим и абиотическим стрессовым факторам, скороспелые и высокоурожайные сорта хлопчатника. Для решения этой проблемы необходимо проведение фундаментальных исследований по генетике показателей качества волокна у средневолокнистого хлопчатника. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан отмечены задачи по «... созданию новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивых к болезням и вредителям, адаптированных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям»⁴. Исходя из этих задач, более глубокое изучение хлопководства, создание скороспелых, урожайных, с высокими показателями качества волокна, устойчивых к болезням и вредителям сортов хлопчатника имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №1037 от 22 декабря 2018 года «О прогнозных объемах производства хлопка-сырца и сортовом размещении

³ <https://www.agroinvestor.ru/agroinvestor/9937/>

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” за № УП-4947 от 7 февраля 2017 г.

хлопчатника в 2019 году», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики – V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Учеными мира проводились некоторые исследования по изучению наследования и изменчивости признаков качества волокна у гибридов F_1 и F_2 полученных методом реципрокных скрещиваний сортов вида *G.hirsutum* L. (А.Д. Аль Харани., 1995; J.F. Wendel et al., 2010; B.T.Campbell et al., 2011).

